2-бет



## Ҳаммаси одамлар учун

Жамоанинг 2002 йил ишлаб чиқариш натижалари ва маҳсулот сифатига кўра Парижда халқаро мукофотга сазовор бўлиши, 2004 йилда МДҲ асбест ишлаб чиқарувчи ва ундан хомашё сифатида фойдаланувчи корхоналарнинг халқаро семинари айнан «Оҳангарон-шифер» ҳиссадорлик жамиятида ўтказилиши корхонага бўлган ишончдан далолатдир.

3-бет



## Пойтахт билан ҳусн талашмоқда

Сирдарё вилоятининг асосий майдони бир вақтлар қамиш босган пастқам ва кўримсиз бир қаватли ҳужралардан иборат эди. Бугунги кунда ўша уйлар ўрнида Боғи Эрамни эслатадиган ажойиб майдон шаҳар аҳолиси ўзининг бола-чақаси билан яйраб-яшнаб сайр қиладиган кенг ва кўркам хиёбонга айланди.

4-бет



## Бетакрор Хива

*Хоразм ҳақида гап кетганда, қадимий ва навқирон Хивага тўхталмасликнинг иложи йўқ. Неча асрлардан буён дунёни ўзига мафтун қилиб келаётган Ичонқалъа ҳар бир зиёратчини ҳайратлантиради.*


*Insonga naf keltirish — oliy baxt*

# Ishonch

2008-yil 2-avgust
№ 92 (2505)
shanba

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan


*Мустақиллик йилларида эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан биз барча соҳаларда катта ютуқларга эришдик. Ҳозирги кунда юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу ютуқларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб яшашга албатта ҳақлидир.*

**Ислом КАРИМОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ВА УЛАР МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар раҳбар ҳамда педагог кадрларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш ва унга ҳақ тўлашнинг юксак касб маҳоратини намоён этган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан катта ҳисса қўшаётган иқтидорли педагогларни рағбатлантиришни кўзда тутувчи сифат жиҳатдан янги механизмини жорий этиш, шунингдек, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж сезилаётган малакали мутахассислар тайёрлашда уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг:

2008 йил 1 сентябрдан бошлаб педагог ва раҳбар ходимларнинг лавозимлари ва малака тоифалари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилашга, меҳнатга ҳақ тўлашнинг объектив, очиқ-равшан механизмини татбиқ этишга асосланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида юқори касб маҳоратига эга бўлган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан аниқ ҳисса қўшаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, кўрсатиб ўтилган муассасалар ходимларига бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш йўли билан уларни рағбатлантириш учун Директор жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар белгилансин:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари – касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ташкил этилади;

Директор жамғармаси маблағлари ҳар бир ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ҳузурида тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ҳамда Васийлик кенгаши, педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этиладиган, ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар томонидан тасарруф этилади.

3. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорларининг, ўқув ишлари, касбий таълим ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг иш ҳақи миқдорлари Ягона тариф тизими бўйича амалдаги ставкаларга нисбатан ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

4. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларига қўшимча ҳақ:

гуруҳ раҳбарлиги учун – энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача;

ёзма ишларни текшириш учун – энг кам иш ҳақининг 30 фоизидан 50 фоизигача;

ўқув ва лаборатория кабинетларига мудирлик учун – энг кам иш ҳақининг 25 фоизидан 50 фоизигача оширилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида юқори касб маҳоратига эга бўлганлиги ва ўқув-тарбия жараёнига шахсан ҳисса қўшганлиги, таълим беришдаги юқори самарадорлиги ҳамда сифати, ўқувчиларнинг касб-ҳунар кўникмалари ва билимларини ривожлантирганлиги, тарбиявий ва дарсдан ташқари ишлар олиб борганлиги учун Директор жамғармасидан уларга базавий тариф ставкаларининг 40 фоизигача миқдорида ойлик устама ҳақ тўланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомни;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 30 июл

## Ёш оилалар учун



***Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши бу жабҳадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда.***



Раҳматжон Эркабоев бошчилигидаги «1-механизациялашган кўчма карвон» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари Фарғона вилоятида ўнлаб коллежлар, мактаблар, бахт уйлари, турар-жой биноларининг барпо этилишида жонбозлик кўрсатиб келади. Ёшлар йилида ҳам жамият қурувчилари вилоят миқёсида бир неча объектлар қурилиб, ишга туширилишида ўзининг ҳиссасини қўшмоқда. Айни пайтда жамоада минг нафардан зиёд қурувчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг оғирини енгил қилишда 250 дан зиёд турли техника воситалари жуда қўл келаётир.

Бундан ташқари, жамиятнинг Фарғона шаҳрида қад ростлаган муҳташам кўринишга эга бўлган маъмурий биносида лойиҳалаш бўлими фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Бу ерда тажрибали муҳандислар, архитекторлар бўлажак иншоотлар тарҳини тайёрлаб беради.

Айни кунда жамият қурувчилари томонидан Фарғона шаҳрининг Навоий кўчасидаги 16 хонадонга мўлжалланган 2 та корпусдан иборат «Ёшлар уйи»да жуда қисқа муддатда қурилиш ишлари тугалланмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида бунёд этилаётган ушбу иншоотда яқинда 32 ёш оилаларнинг ҳовли тўйлари ўтказилади. Қолаверса, бу жамият қурувчиларининг Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрамига навбатдаги муносиб туҳфаси бўлади.

**Суратларда: қурувчилар иш устида; ёш қурувчилар Ҳасан Неъматов, Ҳамидулло Исомиддинов ва Турдиали Тошмирзаев.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**



***Хоразм деганда кўз олдимизда Маъмун академияси, елкаси ерга тегмаган Паҳлавон Маҳмуд, ватанни жонидан азиз санаган Жалолиддин Мангуберди, Урганч шаҳрига тамал тошини қўйган Абулғози Баҳодирхон, бетакрор шоир Огаҳийнинг нурли сиймолари гавдаланиб, кўнгилни ифтихор туйғуси чулғайди.***

***Хоразмликларнинг бугун ҳам ҳар жабҳада мардонавор меҳнат қилаётгани боболарга муносиб ворис бўлиш билан бирга, авлодлар фахрлангулик аждод бўлиш иштиёқидан ҳам далолатдир. Бугун вилоятнинг қай гўшасида бўлманг, бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз.***

***Мактаблар ва шифо масканларининг қиёфаси янгиланаяпти. Фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотни шу ернинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўймоқда. Мебел, ўйинчоқлар ишлаб чиқараётган, бир-биридан бежирим кийим-кечаклар тикаётган тадбиркорларни барча қишлоқларда учратиш мумкин. Урганч шаҳрининг қиёфаси айниқса ўзгарган.***

***Бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Вилоят иқтисодий салоҳиятининг юксалиб бораётганлиги, халқнинг келажакка ишончи тобора ортаётганлиги маҳсулидир бу.***

## Янгиланаётган кўҳна Хоразм

### Ёш авлод олдидаги масъуллик

Ҳар бир миллат келажагини ёшлар тимсолида кўради, ҳар бир ота-она фарзанди ўзидан фаровонроқ турмуш кечиришини истайди. Бу истак ёш авлод тарбияси учун улкан масъулият ҳис қилишга ундайди. Демак, ёшлар таълим-тарбияси, ижтимоий ҳимояси учун зарур шароитларни яратиш келажагини нурафшон қилиш орзусидаги халқ учун фарздир.

Муносиб ворисларни тарбиялаш ишига Хоразм вилоятида ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Вилоят аҳолисининг 40 фоиздан зиёдини вояга етмаганлар ташкил этади. Уларнинг таълим-тарбияси учун барча шарт-шароит яратилган. 3 та олий ўқув юрти, 4 та академик лицей ва 74 та касб-ҳунар коллежида етмиш мингга яқин талаба ёшлар илм ўрганаётган бўлса, 534 та мактабда уч юз минг нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури асосида талай ишлар қилинаяпти. Ўтган йили 1 та мактаб янгидан қурилиб, 26 таси капитал таъмирланди ва реконструкция қилинди. Янги қурилган 9 та коллежда ёшларга замонавий андозалар асосида таълим берила бошланди.

(Давоми 4-бетда)




## Дахлдорликнинг амалий ифодаси

### Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Рустамбек Миртимиров билан суҳбат

**— Мамлакатимиз истиқлол йилларида мисли кўрилмаган даражада чирой очди. Нафақат шаҳарлар, балки олис қишлоқларда ҳам бунёдкорлик ғайрат-шижоати уфуриб турибди. Қурилажак иншоотлар эса янада кўп. Тармоқ касаба уюшмаси ўз аъзоларини янги зафарларга рағбатлантириш учун кўпроқ нималарга эътибор қаратмоқда?**

— Боболаримиз ўз замонасининг меъморчилик санъатини пухта эгаллаган устози калонлар бўлишган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон ва ўзининг 2200 йиллигини нишонлаш тадоригини кўраётган азим Тошкентда қад ростлаган қадим бинолар сўзимизнинг тасдиғи ўлароқ, турли ўлкалардан ташриф буюрган сайёҳларни ҳануз ҳайратга солиб келмоқда.

Олма дарахти тагига олма, нок дарахти тагига нок тушади, дейишади. Қондан ўтган бўлса керакда, улкан қурилиш майдонига айланган мамлакатимизда бугун бунёд этилаётган бетакрор иншоотлар сийратида шарқона безаклар ўзгача ҳусну тароват бахш этиб турибди. Энг муҳими, эндиликда «бетон қути»лар ўрнини ғиштин, ойнаванд ва мармар билан сайқалланган маҳобатли бинолар эгалламоқда. Консерватория, Сенат, Молия вазирлиги, реконструкциядан сўнг янада кўркамлашган Мустақиллик майдони — булар қурувчиларимиз салоҳияти ва имкониятлари нақадар кенг эканлигининг навбатдаги намойиши деб бемалол айтиш мумкин.

Мактаблар, коллежлар, лицейлар... Ёшларни ҳар томонлама соғлом ва комил инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари муносабати билан барча вилоятларда қад ростлаётган стадион, сузиш ҳавзаси, теннис кортлари... Бири-биридан кўркам уй-жойлар...

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, буларнинг барчасида тармоқ касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Чунки, меҳнат учун шарт-шароит яратилган, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси таъминланган жойдагина ишга рағбат бўлади, сифат ва миқдор уйғунлигига эришилади.

Маълумки, меҳнаткаш манфаатлари ҳимояси корхоналарда тузилган жамоа шартномалари орқали амалга оширилади. Шунинг учун биз жамоа шартномалари мазмунига жуда катта аҳамият қаратиб келмоқдамиз. Ҳар бир шартнома лойиҳаси, албатта, Вакиллик томонидан экспертизадан ўтказилади, қонунга зид ёки ишловчиларнинг манфаатлари ҳимоясини етарли даражада таъминлай олмайдиган бандларга тузатиш ва қўшимчалар киритилади.

Айнан шунинг учун ҳам кейинги пайтларда касаба уюшмаларига, айниқса, унинг янги сайланган етакчиларига амалий ёрдам бериш, жойларда ўқув-семинарлар ташкил этиш, фаоллар билан суҳбатлар ўтказишга жиддий эътибор қаратилмоқда ва айтишим лозимки, бугун биз бунинг ижобий натижасини кўриб турибмиз. Юзага келган муаммоларнинг аксарияти бошланғич касаба уюшмаларининг ташаббускорлиги туфайли жойида ечим топаётгани, низоли масалалар тобора камайиб бораётгани, ўйлайманки, саъй-ҳаракатларимизнинг бесамар кетмаётганлигидан далолатдир.

**— Эл орасида қурувчилар катта маош олади, деган гап юради. Аслида ҳам шундай бўлгани адолатдан, лекин иш ҳақи уларга вақтида берилаяптими? Касаба уюшма аъзолари ўз ҳимоячилари борлигини амалда ҳис қиляптиларми?**

— Албатта, иш берувчилар бу масалада ўта масъулиятли бўлмоқлари зарур. Лекин, эътироф этишимизга тўғри келади, турли сабабларга кўра бир неча корхоналаримизда иш ҳақидан қарздорлик мавжуд. 2007 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Вакилларимиз томонидан 114 та корхона иш берувчилари номига қарздорликни бартараф этиш бўйича талабномалар ёзилди ва натижада ишчиларга 905 миллион сўмлик муддати ўтган иш ҳақлари тўланишига муваффақ бўлинди. Бундан ташқари, суд ва прокуратура органлари аралашуви билан 60 миллион сўм ундириб берилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, муаммо йил сайин юмшаб бормоқда. Агар қарздорлик ўта долзарблик касб этган 2005 йилда 2,8 миллиард сўм миқдорида бўлган бўлса, 2006 йилнинг 1 январ ҳолатига 1,35 миллиард сўм, 2007 йилнинг шу даврида эса 795,6 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йил бошида бу рақам 393,6 миллион сўм даражасига тушганлиги эса иш берувчи ва ишловчилар ўртасида муроса йўлларини топиш томон дадил қадамлар ташланганини исботлайди. Ҳозирги пайтда иш ҳақидан қарздорлик ўрта ҳисобда 1-1,5 ойдан иборат бўлиб, касаба уюшмалари бу ҳолга чек қўйиш учун янги ва янада таъсирчан ташаббусларни ўртага ташламоқда.

(Давоми 2-бетда)




# Бизнинг энг катта бойлигимиз

## Дахлдорликнинг амалий ифодаси

(Боши 1-бетда)

**— Қўли гул одамларимиз кўп. Лекин у ёки бу сабабга кўра ишлаб турган корхонаси ёхуд қурилиш ташкилоти тугатилиб, вақтинча беиш қолганлар ҳам йўқ эмас. Бандликни таъминлаш учун касаба уюшмалари томонидан кўрилаётган чоралар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Ўз фаолиятини тармоқ корхоналари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясига йўналтирган касаба уюшмалари 2005-2009 йилларга мўлжалланган Ҳаракат Дастурига мувофиқ бандлик масаласи ва ишсизликнинг олдини олиш учун имкони бўлган барча ишларни қилмоқда. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ишлайман, ишда ўзимни кўрсатаман, касб-корим орқасидан бола-чақа боқаман, рўзғор тебратаман, орзу-ҳавасимга етаман, дея енг шимариб турган одамни ўз ҳолига ташлаб қўйишдан кўра гуноҳи азим йўқ.

Қўлдан бергандан йўлдан берган хайрлироқ ва савоби кўпроқдир, деган ҳикмат бор. Марказий кенгашимиз «Ўзмонтажмахсусқурилиш» ассоциацияси, «Ўзқурилиш материаллари» акциядорлик компанияси раҳбарияти ҳамда тармоққа қарашли бошқа қатор корхоналар иш берувчилари билан ўрнатилган ўзаро ҳамкорликка кўра, ишчи-хизматчилар иш жойларининг имкон қадар сақлаб қолиниши, янги иш ўринларининг ташкил этилиши, ишчиларни ўқитиш ва қайта ўқитишни ижтимоий шерикчилик асосида мунтазам равишда амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Бунда ушбу масаланинг касаба уюшмаси ташаббуси билан жамоа шартномаларига киритилиши, айниқса, қўл келмоқда.

Масалан, 2007 йилда тармоқ корхоналари жамоа шартномаларига биноан 3360 нафар ишчи иш берувчи ҳисобидан ўқитилди, қайта ўқитилди ва малакасини оширди. Хусусан, бу масала Тошкент, Навоий ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида яхши йўлга қўйилганлигини таъкидлашни истардим.

Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари шарофати билан янги иш ўринлари ташкил этилишига катта аҳамият берилаётгани ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Масалан, Тошкент вилоятида 390 та, Тошкент шаҳрида 230 та, Андижон вилоятида 275 та, Қашқадарё вилоятида 284 та янги иш ўринлари яратилди. Бу шунча хонадон, рўшнолик топди, мунтазам даромад манбаига эга бўлди, деганидир.

Иш берувчи ва касаба уюшма қўмиталарининг ташаббуси билан меҳнат бозорларида фаол қатнашаётган корхоналарга қарийб 800 нафар ишчи қабул қилингани, уларнинг 460 нафари меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган ногиронлар ва кўп болали аёллар экани ҳам кўнгилга таскин беради. Демак, ҳаракат қилса ҳамма нарсага эришиш мумкин. Фақат бунинг учун бошлаган ишни охирига етказиб қўйиш кўникмасига эга бўлинса кифоя. Бу эса касаба уюшмаларига хос фазилатдир.

**— Зарурат бўлмаса киши ўзи яшаб ёки ишлаб турган жойдан сал нарида қандай идора ёки ташкилот борлигини ҳам билмайди. Аммо адолатсизлик кўрса, ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини сўраб минг чақирим масофани пиёда босиб ўтишга тайёр. Тармоқда ариза ва шикоятлар билан ишлаш қандай йўлга қўйилган?**

— Ушбу ҳикмат касаба уюшма ташкилотларига ҳам бевосита тегишли: «Бу даргоҳдан ҳеч бир киши норизо кетмасин». Биз ўз фаолиятимизда ана шунга риоя қиламиз. Модомики, одамлар ҳузуримизга келибдими, демак, улар бизга ишонади.



Иш бор жойда низоли ҳолатлар, тездан ечилмаса янада чигаллашиб кетадиган масалалар кўп, албатта. Хиёл эътиборли бўлинса, лоқайдликка йўл қўйилмаса, ҳар қандай тугунга ечим топса бўлади. Лекин шунга қарамай, Марказий кенгаш ва Вакилларимиз аралашувини тақазо этадиган мурожаатлар ҳам анчагина.

Таҳлиллар энг кўп мурожаатлар санаторий, дам олиш уйларига йўлланма берилиши ва уларнинг фаолиятига доир эканлигини кўрсатмоқда. Иш ҳақи, мукофотлаш ёки меҳнатни меъёрлаштиришни ташкил этиш бўйича ариза ва шикоятлар ҳам талай. Шунингдек, маблағлар ва мулкнинг тасарруф этилиши, ишдан бўшаш ёки лавозим қисқаришлари юзасидан мурожаатлар бор. Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва шу муносабат билан ходимга етказилган зарарни қоплаш масалалари бўйича хат-хабарлар, айниқса, бизнинг оғриқ нуқтамиздир. Демакки, ҳамон меҳнат муҳофазасига эътибор суст, қатъият кўрсатиш, зарурат бўлган ҳолларда ёрдам қўлини узатиш керак. Касаба уюшмаларининг қанчалар нуфузга эгалиги ана шунақа дамларда билинади.

Мана бир мисол: «Тошсаноатқурилиш» ОАЖ ишчиси Р.Раджапов ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли ўзига етказилган зарарни ундира олмаётганлиги ҳақида мурожаат қилди. Зудлик билан тегишли чоралар кўрилди. Тошкент шаҳар бўйича Вакиллик мутахассислари масалани чуқур ўрганиб, касаба уюшма аъзосининг ҳақли эътирози ижобий ечим топишини таъминладилар.

«Махсусқурилиш» фирмаси собиқ ишчиси А.Абдусаитов ойлик маош ва ҳисоб-китоб пулларини ололмай овораи сарсон бўлаётган эди. Масалага Фарғона вилоят Вакиллиги аралашгач, ҳақ жойида қарор топди, унга тегишли барча пуллар ундириб берилди.

Унча кўп бўлгани йўқ, Марказий кенгашимиз номига ишчи Б.Утегеновдан ариза тушди. Унда «4-Қурилиштрести» томонидан соғлиққа етказилган зарарни қоплаш тўловлари тўхтатиб қўйилгани баён қилинган эди. Масала жойида ҳар жиҳатдан таҳлил қилиниб, аризачига ёзма равишда юборилган жавоб хатида мазкур қурилиш ташкилоти банкрот бўлгани сабабли, тўловларнинг ундирилиш тартиби ҳақида батафсил маълумот берилди.

Биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаяпмиз. Ўз-ўзидан тушунарлики, фаолиятимиз кўлами ва мазмун моҳияти ҳам ўзгаришга учраб, янгича шакл-шамойил касб этмоқда. Лекин бир масала ўз ҳолича қолмоқда, бу — меҳнаткашларнинг ариза ва мурожаатларига касаба уюшмаларининг муносабатидир.

**— Уй қурсак, бола-чақам яйрабяшнасин, деймиз. Машина олсак, калитини фарзандларимизнинг қўлига тутқазамиз. Тўй қилсак ҳам аввало улар сабаб. Биз ана шундай болажон халқмиз. «Ёшлар йили» дастурини ишлаб чиқишда ҳам ана шу руҳият устуворлик қилгани аниқ. Шундай эмасми?**

— Ижозатингиз билан жавобни жорий йилнинг ўтган олти ойида амалга оширилган ишлар ҳисоботидан бошласам. «Ёшлар йили» Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан 101,5 миллион, шу жумладан, касаба уюшмаси бюджетидан 5,3 миллион сўм сарфланди.

Ўтган даврда 783 та кам таъминланган ёш оила вакилларига 42,7 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар контрактлари учун 45,23 миллион сўм тўланди.

Айниқса, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг ёшларга нисбатан ижросига катта аҳамият қаратилмоқда. Қашқадарё, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида меҳнат бозорида рақобат қилишга қодир бўлмаган иш ўринларига жойлаштириш бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилганлиги, малакали юристларни жалб қилган ҳолда ушбу мавзуда семинарлар ўтказилаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Хусусан. «Бекободцемент» акциядорлик жамиятида биринчи ярим йилликда ҳали ўттизга кирмаган 24 нафар ёш ишга қабул қилинди.

Ёшларни спортга жалб этиш ва уларда соғлом турмуш кўникмасини шакллантириш мақсадларини кўзлаб турли мусобақалар ўтказилди ва бунинг учун 3 миллион сўм сарфланди. 6 нафар ёшлар дам олиш масканларида мириқиб ҳордиқ чиқардилар. 1 июн — Болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан корхона боғчасига 1 миллион сўмлик ширинликлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Меҳр-мурувват кўрсатиш умумхалқ ишига айланган юртда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ёшлар — келажагимиз. Келажагимиз порлоқ бўлишини эса барчамиз истаймиз.

**Суҳбатдош:**
**Зайниддин РИХСИЕВ**



# Мутахассис амалий ёрдам кўрсатмоқда

***Навоий вилояти вакиллиги тассаруфидаги ҳар бир корхонада иш берувчи билан касаба уюшма ташкилоти ўртасида жамоа шартномаси тузилган бўлиб, меҳнат шароити, меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрлари талабларини ўзида акс эттирган.***

***Айниқса, «Қизилқумцемент», «Навоийқишлоққурилиш» ҳамда «Ғозғонмармар» очиқ акциядорлик жамиятларида меҳнаткашлар учун кўнгилдагидек иш шароити яратилган.***

***Вакилликда ўтган йилнинг апрел ойидан бошлаб меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис лавозими ташкил этилганлиги бугун ўз самарасини бермоқда. У корхоналарда бўлиб, олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, амалий ёрдам кўрсатмоқда.***

**М.АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**«Тўйтепа метал қурилмалари» очиқ акциядорлик жамияти Ёшлар йили муносабати билан 61 нафар ёшни ишга қабул қилди.**

# Маданий-маърифий тадбирлар

## касаба уюшма ташкилотининг диққат марказида

**Корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма ташкилоти бу билан чекланиб қолмади. Қизиқишлар ҳисобга олиниб, жамоа ўртасида маданий-маърифий ҳамда спорт ишлари кенг йўлга қўйилмоқда. Хусусан, «Истеъдодларни излаймиз» кўрик-танлови ўтказилди. Қатнашчиларнинг турли тилларда куйлаган қўшиқлари тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, корхона ишчи-хизматчилари истиқомат қиладиган ҳудудда ҳар йили «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни»га бағишлаб анъанавий байрам ўтказилмоқда.**

**(Ўз мухбиримиз)**

# Меҳнат муҳофазаси

## жамоа шартномаларида ўз аксини топмоқда

Меҳнаткашларга кўнгилдагидек иш шароити яратиб бериш ҳамда меҳнат муҳофазаси масаласи тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши ташкилотларининг асосий фаолият йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис жамоа шартномалари орқали бу ишни тўлақонли йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йили ҳар бир меҳнаткашга сарфланган маблағ миқдори 183 минг сўмни ташкил этди. Бу 2006 йилга нисбатан 30 фоиз кўпдир.

Шунингдек, жамоа шартномаларида инсон саломатлиги учун зарарли иш жойларида ишловчилар учун ҳам имтиёзлар берилган. Улар маошларига 12-24 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ олишмоқда.

## Бошланғич ташкилотларда

# Ҳаммаси одамлар учун

***2006 йилнинг қиши қаттиқ келди. Айрим иморатлар томи узлуксиз ёққан қорга бардош бера олмай, қулаб тушди. Боз устига совуқ ҳам жуда қийнаб юборди. Иззатилла Эржонов хонадонида газли темир печка ҳароратидан синчли уйнинг харилари ёниб кетди. Хонадон эгалари бу пайтда ғафлат босиб, нариги уйда телевизор кўриб ўтиришарди.***

Тез орада қўшнилар, бироз ўтиб ўт ўчирувчи машиналар етиб келди. Аммо бир соат ичида беш хонали уй култепага айланди.

Эртаси куни касаба уюшмаси фаоллари келганида Иззатилла ака кўз ёшини тўхтатолмади. Тез орада тегишли далолатнома тузилди. Ҳиссадорлик жамияти бошқаруви мажлиси бир овоздан диспетчер И.Эржановга ёрдам сифатида тўрт миллион сўм нақд пул беришга қарор қилди.

— Жамоанинг беғараз ёрдамини унутиб бўладими, — дейди Иззатилла ака. — Бу мурувватга фақат ҳалол меҳнатим билан жавоб қайтараман.

Бир куни касаба уюшмаси хонасига қурилиш цехининг ишчиси Эсонбой Холиқулов кириб келди. Унинг кўзларида чуқур ҳасрат, мунг ва алам бор эди.

— Туман ижтимоий таъминот бўлимига қатнайвериб чарчадим. — деб гап бошлади Эсонбой. — Сабаби, ўғлим Элёр ўн тўрт йилдан бери ногирон. Мен ишдаман, бир ўзи шифтга тикилиб ётади бечора. Шунга ногиронлик аравачаси олиб берай десам, фарзандлар кўп, қурбим етмай турибди.

Э.Холиқуловнинг аризаси асосида дарҳол касаба уюшма қўмитаси мажлиси чақирилди. Барчанинг фикри бир жойдан чиқди. Ногирон фарзандга касабақўм ҳисобидан икки юз минг сўмга аравача олиб берилди.

Касаба уюшма қўмитаси хонаси доимо ишчи-хизматчилар билан гавжум. Кимгадир санаторийга йўлланма керак, кимгадир моддий ёрдам, кимдир фарзандини олий ёки ўрта махсус ўқув юртига ўқишга киритиш ниятида, лекин контракт пули тўлашга қўли калта...

Дарвоқе, бугунги кунда Оҳангарон шаҳри ва туманида корхонада ишлашни ҳавас қилмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Ким ўғлини етаклаб келган, ким набирасини. Ваҳоланки, ўн беш йил муқаддам одамлар бу ердаги ботқоқ ва уйдим-чуқур жойларни кўриб ҳуркарди. Мустақиллик йилларида шароит тубдан ўзгарди. Айниқса, кейинги беш йил ичида корхона гуллаб яшнади. 2001 йил якунлари бўйича атиги саккиз юз минг сўм соф фойда олинганди. 2006 йилда эса йиллик режа 1 декабрда уддаланиб, қўшимча 12 миллион шартли плита шифер ишлаб чиқарилди. Соф фойда саккиз миллиард сўмга етди.

Даромадга қараб буромад деганларидек, 2002 йилда ҳар бир акцияга 2450 сўмдан, 2006 йилда эса 5000 сўмдан девидент тўғри келди. Корхонада бугунги кунда ўртача иш ҳақи 389 минг сўмни ташкил этади.

Яқинда узоқ Олмониядан хушхабар келди. Корхонанинг сифат борасидаги ишлари юксак баҳоланиб, халқаро сертификатга сазовор бўлди. Корхона маъмурияти жамоа шартномасида ижтимоий кафолатлар учун кўзда тутилган режадаги 753 900 минг ўрнига 832 972 минг сўм маблағ ажратди. Касб ва умумхалқ байрамларида ишчи-ходимларга 188 миллион 488 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Корхонадаги кам таъминланган оилаларнинг 107 нафар фарзандига соғломлаштириш оромгоҳига бепул йўлланма ажратилди. Бу мақсадлар учун касабақўм ҳисобидан 8 миллион сўм маблағ сарфланди. Моддий аҳволи ночорроқ ишчи-хизматчиларга цех фондидан 18 346 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Касабақўм томонидан бу йўналишлар учун 2,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Янги келин-куёвлар учун 5 миллион 20 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

Албатта, булар ҳаммаси одамлар учун. Оддий ишчи-хизматчига наф келтириш энг олий саодатдир. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг кўзлаган эзгу мақсади ҳам шу. Баракали ва ҳалол меҳнат қилдингми, биз ҳам таъзимдамиз, интизомни буздингми, ҳафа бўлма, жавобини бер. Зотан, ички меҳнат тартиби қоидасининг асл мазмуни ҳам шу.

Жамоанинг 2002 йил ишлаб чиқариш натижалари ва маҳсулот сифатига кўра Парижда халқаро мукофотга сазовор бўлиши, 2004 йилда МДҲ асбест ишлаб чиқарувчи ва ундан хомашё сифатида фойдаланувчи корхоналарнинг халқаро семинари айнан «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятида ўтказилиши корхонага бўлган ишончдан далолатдир. Ўтган йили сиқилган ҳаво ҳосил қилувчи компрессор ва черепица цехи ишга туширилди. Ишчилар учун ҳаммом қуриб берилди. Шифер ва қувур цехларида янги технологик линиялар ишга туширилиб, қўл меҳнати қисқарди, хавфсиз иш шароитлари вужудга келтирилди.

Куни кеча касаба уюшмаси қўмитасига муҳандис Сайфулла Солиев ва диспетчер Раҳматилла Ёқубов мамнун қиёфада кириб келди. Улар кардиология шифохонасида даволаниб, соғлиқларини тиклашганди.

—Маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитасига раҳмат, — дейди собиқ байналмилалчи жангчи Бахтиёр Ботиров. — «Чимён» санаторийсида даволандим. Ҳозир отдекман.

Корхона санаторий-профилакторийсида дам олиб, даволанган пенсионер Шамсиддинова эса ҳаяжонини яшира олмай, дуога қўл очди.

Корхонамизда узоқ йиллар бош муҳандис бўлган, ҳозирда Челябинскдаги турдош корхонада ишлаётган Алексей Скребцов шундай деди:

— Россияда ҳам бундай корхоналар бармоқ билан санарли, раҳбарларга ҳам, жамоага ҳам катта раҳмат. Улкан ишларни бажарибсизлар. Ўзгаришлар улуғвор. Инсон учун бундан ортиқ эътибор бўлмайди.

Нимаям дердик, у ҳақ.

**Озод ХУШНАЗАРОВ,**
**«Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси**





***Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, вилоятлар вакиллари ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари барча мурожаатларни Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари тўғрисида»ги қонунида белгиланган муддатларда кўриб чиқиб, ижобий ҳал қилинишига эришмоқда.***

# Ҳуқуқий маслаҳатхона

## меҳнаткашлар хизматида

Тизимда меҳнаткашлардан тушган мурожаатлар билан ишлашни яхшилаш, аризаларни қабул қилиш, рўйхатга олиб, муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни ечиш ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш борасидаги фаолиятни кенгайтириш мақсадида Марказий кенгаш раёсатининг қарори мавжуд бўлиб, унга асосан бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ва ўз ҳуқуқшуносларига эга бўлмаган вилоятлар вакилликларида жамоатчилик асосидаги ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил қилинган.

Ҳозирги кунда тизимда 53 та жамоатчилик асосидаги ҳуқуқий маслаҳатхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 43 таси йирик бошланғич ташкилотларда ва 10 таси вилоятлар вакилликларидадир. Ўтган йили 757 та мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг барчаси вакиллик ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилиб, аниқ чоралар белгиланган. Аризачиларнинг 267 нафари асосий ва қўшимча таътиллар, 241 таси иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, 91 таси меҳнат шартномаси ва бошқалар хусусидадир.

«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11 моддаси асосида 3 нафар аризачининг мурожаати бевосита касаба уюшмаси идораларининг даъво аризаларига кўра фуқаролик судлари орқали ҳал қилиб берилди.

Жорий йилнинг 6 ойида эса мурожаатлар сони ўтган йилга нисбатан бироз камайганини айтиб ўтмоқчиман.

Бунинг сабаби бор, албатта. Марказий кенгаш, вилоятлар вакиллари ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари ҳар йили касаба уюшмаси фаоллари ва мутахассислар иштирокида ўтказиладиган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат Кодекси, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда жамоа шартномаларининг бажарилиши ва бошқа ҳуқуқий мавзуларда корхона ва ташкилотларда ўқув-семинарлари ўтказиб келмоқдалар.

Бир ҳақиқат мавжуд. Мутасадди кишилар мурожаатчининг дардини ўзиникидек билиб, уларга ҳамдард бўлиб муаммоларни тез ва ижобий ҳал қилиб беришда ўз вазифаларига виждонан ёндошиб ишласаларгина кўзланган мақсадга эришилади. Ўз-ўзидан тушунарлики, ечимини топиши лозим бўлган камчиликлар устида яна ва яна ишлашимиз керак. Бу давр талаби. Чунки инсон манфаати ҳамма нарсадан устундир.

**Рамзжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Марказий кенгашнинг бош ҳуқуқий маслаҳатчиси**

